

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

СТАТИСТИКА

ҔЎНАЛИШИ

**«ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА ВА МИЛЛИЙ
ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ»**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди

Тузувчилар: ТДИУ и.ф.н., доц. А.Ҳ.Аюбжонов
ТДИУ катта ўқитувчи М.Ш.Аҳмедова
Тармоқ маркази бўлим бошлиғи Агзамов А.Т.

Тақризчи: и.ф.н..доц.Х.Хўжақулов

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2017 йил _____ даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	11
III. Назарий материаллар.....	188
IV. Амалий машғулот материаллари.....	34
V. Кейслар банки	38
VI. Мустақил таълим мавзулари	53
VII. Глоссарий.....	55
VIII. Адабиётлар рўйхати	61

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисдаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усусларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.¹

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-2909-сонли Карори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

• Тингловчиларга давлат молияси ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педагогиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

• Давлат молияси, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Жаҳон молиявий иқтисодий инқизори шароитида давлат молияси, уни бошқариш тизимидағи ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

• Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидағи ислоҳотлар, бюджет солиқ тизими ва пул-кредит тизими борасидаги ислоҳотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Иқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар тизими” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

– молия тизими унинг бўғинлари бўйича билимларга эга бўлиш;

Тингловчи:

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш бўйича кўникма ва малакаларини эгаллаши;

Тингловчи:

замонавий шароитларда давлат молияси тизимидағи ислоҳотлар ва уларнинг концептуал асослари борасида компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар тизими” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий хужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий хужум, кейс, гурӯхларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги Иқтисодий статистика”, “Амалий статистика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида давлат молияси тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз давлат молияси тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумтларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси жумладан				Мустақил таълим	
			Жами	Назарий	Амалий	Машғул		
1.	Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини характерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизими	12	10	4	4	2	2	
2.	Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат худудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.	12	10	4	4	2	2	
3.	Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари.	8	8	4	4	-	-	
Жами:		32	28	12	12	4	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини характерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизими.

Институционал бирлик, иқтисодий ҳудуд, резидент, сектор, тармоқ, муассаса, қолган дунё, захира ва оқим, иқтисодий операция ҳақида тушунча. Миллий ҳисоблар тизими ва ундаги асосий гурӯҳлар ва таснифлашлар: иқтисодиёт секторлари, иқтисодиёт тармоқлари, товар ва хизматларни, иқтисодий операцияларни гурӯхлаш.

Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмаси – макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асоси. Динамика қаторларини таҳлил қилиш кўрсаткичлари.

Иқтисодий фаолият турлари. Иқтисодий статистиканинг кўрсаткичлар тизими ва унинг асосий бўйимлари: аҳоли статистикаси, меҳнат бозори статистикаси, меҳнат ҳаки ва унумдорлиги статистикаси, миллий бойлик статистикаси, иқтисодий фаолият натижалари статистикаси, баҳо ва молия статистикаси ва ҳ.к.

2-мавзу. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Бандлилик ва ишсизлик статистикаси. Иқтисодий нофаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби. Мехнат ресурслари статистикаси.

Мехнат ресурслари сонини ҳисоблаш усуллари. Мехнат ресурслари баланси. Унинг схемаси ва кўрсаткичлар тизими, уни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги асосий ходимлар категориялари. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ходимлар сони. Рўйхатдаги ва ишга келган ходимлар сони. Ўртacha рўйхатдаги, ишга келган ва амалда ишлаган ходимлар сонини ҳисоблаш усуллари. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси. Ишчи кучи сони баланси. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг асосий ва нисбий кўрсаткичлари. Иш кучининг қўнимсизлиги ва доимийлиги. Иш вақти фондларининг таркиби. Иш вақти баланслари.

3-мавзу. Миллий ҳисоблар тизими ҳисбламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари.

Миллий ҳисоблар тизими ҳақида тушунча. Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини ҳарактерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизими. Миллий ҳисоблар тизими ҳисбламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари.

Ишлаб чиқариш ҳисбламасининг кўрсаткичлари ва унинг услубияти. Даромадларни ҳосил бўлиш ҳисбламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Бирламчи даромадлар тушунчаси.

Даромадларни тақсимлаш ҳисбламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос услубияти. Ялпи ички маҳсулот – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи. Ялпи миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш. Мавжуд миллий даромад. Соф миллий даромад. Мавжуд миллий даромад ва соф миллий даромадни ҳисоблаш усуллари.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисбламасини тузиш услубияти. Охирги истеъмол. Жамғариш. Жамғариш ҳисбламаси. Капитал ва молиявий инструментлар билан бўладиган операцияларни ҳарактерловчи кўрсаткичлар. Айrim институционал секторлар учун тузиладиган ҳисбламаларининг ўзига хос хусусиятлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини характерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизими

Муҳокама этиладиган масалалар

1.Иқтисодий ривожланиш даражасини статистик ўрганиш.

2.Иқтисодий ривожланиш динамикасини статистик таҳлили.

3.Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш.

Калит сўзлар:Иқтисодий ривожланиш, мулк шакллари, иқтисодий худуд.

2-амалий машғулот.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.

2. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

3. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

Калит сўзлар:Фаол аҳоли, нофаол аҳоли, ишсизлик даражаси, ишчи қучи обороти

3-амалий машғулот.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари

Муҳокама этиладиган масалалар

1.Миллий ҳисоблар тизими ҳақида тушунча. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари.

2.Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг услубияти.

3.Даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

4.Бирламчи даромадлар тушунчаси, даромадларни тақсимлаш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос услубияти.

Калит сўзлар:

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли сұхбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни қучли ва қучсиз томонларига диққатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишидан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маъruzалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб этишга ёрдам беради.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топширигини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳснинг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва

атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мuloқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мuloқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мuloқот маданияти, коммуникатив қўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.



• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

• Ҳар бир гуруҳ ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Күргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчиilar



Венн диаграммаси



SWOT-тахлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб утиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш;

	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: аниқлашириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.

2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини характерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлар тизими Режа

- 1.1.Иқтисодий ривожланиш даражасини статистик ўрганиш.
- 1.2.Иқтисодий ривожланиш динамикасини статистик таҳлили.
- 1.3.Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш.

Таянч иборалар: институционал бирлик, иқтисодий ҳудуд, резидент, сектор, тармоқ, муассаса, иқтисодиёт секторлари, иқтисодиёт тармоқлари, товар ва хизматлар, иқтисодий операцияларни гурухлаш, миллий маҳсулот, даромадларнинг доиравий айланмаси, макроиқтисодий кўрсаткичлар, динамика қаторларини таҳлил қилиш кўрсаткичлари.

1.1.Иқтисодий ривожланиш даражасини статистик ўрганиш.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун ҳалқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.

Иқтисодий статистика – ижтимоий-иқтисодий статистика фани ва давлат статистика органлари амалий фаолиятининг муҳим тармоғи бўлиб, у давлат муассасалари ва жамоатчиликни, иқтисодиётни ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар ҳақидаги ахборот билан таъминлайди ва уларни атрофлича таҳлил қиласди.

Статистика фани бир неча мустақил тармоқлардан ташкил топади: статистиканинг умумий назарияси, иқтисодий статистика, ижтимоий статистика, аҳоли (демография) статистикаси ва бошқалар.

Иқтисодий статистика фани иқтисодиётнинг миқдорий томонларини сифат жиҳатлари билан узвий боғлиқликда ўрганади. Бу фанда товар ва хизматларни турлари, даромад, ишлаб чиқариш, баҳо, алмашув ва истеъмол қилишлар ўрганиш обьекти сифатида қаралади.

Миллий даромаднинг пайдо бўлиши, унинг тақсимланиши, ундан фойдаланиш, аҳоли турмуш даражаси, пулнинг айланиши, кредит олиш-бериш жараёнлари иқтисодий статистиканинг ўрганиш обьекти ҳисобланади.

Иқтисодий статистика – юқорида баён этилган объектларда юзага чиқадиган оммавий ҳодиса ва воқеаларнинг микдор тамонини сифат тамонидан ажралмаган ҳолда ўрганиб, уларда намоён бўладиган қонуниятларни микдорий нисбатларда ифодаланишдан иборат. Статистика иқтисодиётда юз берган ҳодиса ва воқеаларни аввало микдоран, яъни сонлар ёрдамида таърифлайди ва уларнинг сифат белгисида албатта эътибор беради.

Иқтисодий статистиканинг услубияти – бу иқтисодиётда юз бераётган оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, унда намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика фани ва амалиётида қўлланиладиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси ҳисобланади.

Бунда учта тизим остини босқичларини ажратиш мумкин:

- 1) тадқиқотни режалаштириш ва тайёрлаш (1+2 босқичлар);
- 2) маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, жамлаш ва асраш (3 босқич)
- 3) маълумотлардан фойдаланиш ёки уларнинг таҳлили, башорати, таклифлар ишлаб чиқиш (4+5 босқичлар).

Биринчи ва иккинчи тизим ости босқичларида қуйидаги асосий мақсад ва вазифалар кўзланади: ўзганилаётган объектларни чегараларини аниқлаш, улар ҳақида маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш, оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг микдорий меъёрларини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни кўркам ва ихчам шаклда тавсифлаш. Учинчи тизим ости босқичида эса кўрсаткичларни статистик таҳлил қилиш, улар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларни аниқлаш ва баҳолаш, ўзганилаётган объектлар тасимотларидан қонуниятларни ойдинлаштириш, илмий гипотезаларни ишончлилик жиҳатдан баҳолаш ва статистик хulosаларни чиқариш ва ҳоказолар асосий мақсад ва вазифалар ҳисобланади.

Учинчи тизим ости босқичида эса, қуйидагилар кўзга ташланади: ўзганилаётган объектларнинг турли белгилари асосида тақсимотларини тузиб, улардаги қонуниятларни ўрганиш, ҳодисалар ўртасидаги боғланишларни микдорий ифодалаш, уларни ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, илмий гипотезаларни баҳолаш ва статистик хulosалар чиқариш ва таҳлиллар ишлаб чиқиш.

1.2.Иқтисодий ривожланиш динамикасини статистик таҳлили.

Иқтисодий статистиканинг услубияти – бу иқтисодиётда юз бераётган оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, унда намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика фани ва амалиётида қўлланиладиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси ҳисобланади.

Маълумки, 2002 йил 12 декабрда янги таҳрирда “Давлат статистика тўғрисида” Конун қабул қиласган. Конунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташқил этилган бўлиб,

мамлакатимизда статистик соҳасида ягона сиёсат ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи мустақил юридик шахсdir.

У Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва “Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар Маркази” биргаликда Давлат статистика қўмитаси ягона тизимини ташкил этади.

Банк тизимидағи ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.

500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион олларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида маҳсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

1.3.Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш.

Халқаро статистикада ички (ватан) иқтисодиёт ва миллий иқтисодиёт каби тушунчаларни бир-биридан ажратадилар. Ички иқтисодиёт чегарасини аниқлаш учун МҲТда қуидаги тушунчалардан фойдаланилади:

1. иқтисодий территория;
2. иқтисодий қизиқиши маркази;
3. резидент.

Мамлакатнинг иқтисодий территорияси – административ томондан шу мамлакат хукумати томонидан бошқариладиган территория бўлиб, унинг чегарасида фуқаролар, товарлар ва капиталлар эркин харакат қиласидилар, шунингдек иқтисодий территорияга қуидагилар киради:

- ҳаво кенглиги, шу мамлакат территориясидаги сувлар ва халқаро сувлардаги континентал шелф, бунда шу мамлакат хом ашё, ёқилғи қазиб олиш ҳуқуқига эга ва ҳ.к.;

-хориждаги «территориал анклавлар» - бошқа мамлакатлардаги зоналар бўлиб, улардан давлат органлари томонидан фойдаланилади (ижара ёки мулк сифатида) дипломатик, ҳарбий, илмий ёки бошқа мақсадларда, масалан элчихоналар, консулхоналар ва бошқа дипломатик муассасалар.

«Озод зоналар» ёки мамлакат иқтисодий территориясидан ташқаридаги шу мамлакат корхоналари қайси мамлакат территориясида жойлашган бўлса, ўша мамлакат иқтисодий территориясига киради.

Мамлакат ички иқтисодиёти шу мамлакат территориясида фаолият олиб борувчи резидент ва норезидентларни ўз ичига олади. Унинг доирасида ялпи ички маҳсулот ташкил топади.

Иқтисодий қизиқиши маркази қуйидаги белгилар бўйича аниқланади:

- шу институционал бирликнинг иқтисодий қизиқиши учун мамлакат иқтисодий территориясида унинг жуда бўлмагандан битта мулк обьекти бўлиши керак;

Уларнинг асосий функциялари: молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш; қимматбаҳо қофозлар ишлаб чиқариш, пул маблағларини асрар ва корхоналар, уй хўжаликлари ва бошқаларга кредитлар бериш.

Бу бирликларнинг ресурслари асосан олинган мажбуриятлар ҳисобига (депозитлар, сертификатлар, облигациялар, молиявий лизинг ва ҳ.к.) ташкил топади.

Суғурта муассасаларига ҳаётни бахтсиз ходисалардан суғурталаш билан, шунингдек корхоналар ва уй хўжаликлари мулкларини суғурталаш билан шуғулланувчи институционал бирликлар киради. Бу бирликлар ресурсларни суғурталаш контрактларидан тушган тушумлар ҳисобидан ташкил топади.

Пенсия фондлари – ёнланган ходимларнинг келажакда пенсияга чиқишилари учун даромад манбаларини яратиш мақсадида ташкил этилади.

Иқтисодиётни секторлама гуруҳлаш асоси бўлиб институционал бирликлар ҳисобланади. Бундай секторлама гуруҳларнинг мақсади даромад ва харажатлар, молиявий активлар ва пассивлар оқимини ўрганишдан иборат.

Иқтисодий сектор – ўхшаш мақсад, функция ва молиялаштириш манбасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бўлиб, улар ўхшаш иқтисодий хулқа хам эга бўладилар.

Институционал бирликлар қуйидаги секторларга бирлаштирилади:

- номолиявий корхоналар – молиявий хизматлардан ташқари маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналардир;

- молиявий муассасалар;

- давлат муассасалари;

- уй хўжалиги хизматидаги нотижорат ташкилотлар;
- уй хўжалиги;
- ташқи иқтисодий алоқалар (“қолган дунё”).

Давлат муассасалари таркибига қуидагилар киради:

- давлат бюджети ҳисобига молиялаштириладиган ва умумий бошқариш, молия, иқтисодиётни режалаштириш ва тартибга келтириш, илмий-тадқиқот фаолияти, атроф мухитни муҳофазалаш, ички тартибни сақлаш билан, шунингдек таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий тарбия ва спорт, маданият ва санъат, ижтимоий суғурталаш соҳаларида ахолига бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи давлат муассасалари ва ташкилотлари;

- давлатнинг нобюджет фондлари: (бандликка таъсир кўрсатувчи фонд; инвестицион фонд; конверсия фонди ва ҳ.к.).

«Уй хўжаликлари хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар» алоҳида уй хўжаликлари гуруҳларига нобозор хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи институционал бирликларни ўз ичига олади. Сектор қуидаги хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларни ўз ичига олади:

а) уй хўжаликларини таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, дам олиш ва хордиқ чиқаришлар, ижтимоий хизматлар ва ҳ.к. соҳасида якка талаблари,

б) сиёсий партиялар, касаба уюшма ташкилотлари ва ҳ.к. соҳада жамоа талабларини қондириш билан шуғулланади.

Бу секторга давлат муассасалари томонидан текширилмайдиган ва молиялаштирилмайдиган ташкилотлар киритилади. Уларнинг ресурслари асосан уй хўжаликларининг ихтиёрий тўловлари ва садақалари ва мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Асосий вазифа давлат органлари ва фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органларининг юридик шахсларнинг, давлат муассасаларини ҳамда халқаро ташкилотларини, шунингдек жамоатчиликнинг ишончли, ҳолис ва тўлиқ статистик ахборотга бўлган эҳтимолларини қондиришдан иборат.

Давлат статистика қўмитаси ўз вазифасига мувофиқ, қуидаги асосий фонкцияларини бажаради:

- статистика соҳасида ягона сиёsat олтб бориш, статистикани ташкил этиш борасида ҳозирги халқаро талаблар ва андозаларга жавоб берувчи самарали тизимни таъминлаш;

- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва уларнинг истиснолари тўғрисида статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, жамлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

- халқаро андозаларга жавоб берувчи ягона статистика методологияси билан таъминлаш;

- хокимят ва бошқарув органларига давлат муассасаларига, халқаро ташкилотларга ва жамоатчиликка мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида статистик маълумотлар тақдим этиш;

- статистик ишларни олиб бориш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини ҳамда корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистрини юритиши;

Назорат саволлар:

1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар хақида нималарни биласиз?
2. Динамика қаторлари таҳлил қилиш кўрсаткичларини санаб ўтинг.
3. Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича тасниф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.aza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz

2-мавзу. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Режа

- 2.1.Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.
- 2.2.Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.
- 2.3. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

Таянч иборалар: иқтисодий фаол аҳоли, ишсизлик, иқтисодий нофаол аҳоли, меҳнат ресурслари, иқтисодиётда банд бўлганлар, мулк формаси, корхона ва ташкилотларнинг ходимлари, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ходимлар, рўйхатдаги ва ишга келган ходимлар сони, ўртача рўйхатдаги, ишга келган ва амалда ишлаган ходимлар, ишчи кучи ҳаракати, ишчи кучи сони баланси.

2.1.Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.

Мамлакатнинг доимий аҳолиси иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли гурухларига ажратилади. Иқтисодий фаол аҳоли ўз ишчи қучини меҳнат бозорига тақдим этади ва иш берувчилар уни сотиб оладилар. Иқтисодий нофаол аҳоли эса объектив сабаблар билан меҳнат бозорида иштирок этаолмайди.

Аҳолини кузатиш (рўйхат ўтказиш) – бандлик ва ишсизлик ҳақида маълумотларни йиғишида муҳим ўринни эгаллайди. Бундай кузатишлар аҳолининг ҳамма қатламларини ўз ичига олиб, у бандлилик таркиби ва унинг ўзгариши, ишсизлар сони ҳақида тўла маълумотларни олиш ва одатдаги усусларни қўллаб олинган статистик ҳисобларда акс эттирилмайдиган меҳнат фаоллигининг хар хил формаларини ҳисоблаш имкониятини беради.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир.

Ўтган йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият катта қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда.

Ўзингиз ўйланг, бир йилнинг ўзида шунча ёшларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиб, қўллаб-қувватлаганимиз – бу бизнинг энг катта ютуғимиз эмасми?

Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чукур тасаввур этамиз. Айни вақтида “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги, юксак марраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.

Бу борада, иш берувчилар ва ўқувчиларни кенг жалб этган ҳолда, меҳнат ярмаркалари, бизнес ғоялар танловлари ўтказилаётгани ҳамда уларнинг ғолибларига ўз хусусий ишини бошлаш имконини берадиган имтиёзли кредитлар ажратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилган колледж битирувчиларига қарийб 200 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпdir.

Меҳнат ресурсларининг сони, таркиби ва жойлашиши ҳақида тўлиқ маълумотларни аҳоли рўйхати маълумотларидан олиш мумкин.

Ишчи кучи бозорини ҳолатини баҳолаш учун қуидаги нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. Мехнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли коэффициенти – умумий аҳоли сонида меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғини ифодалайди.
2. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг меҳнатга лаёқатлилик K^t – меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолидаги салмоғини ифодалайди.
3. Аҳолини бандлилик K^t – банд аҳолини умумий аҳоли сонидаги салмоғини ифодалайди.
4. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини бандлилик K^t - меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини шу ёшдаги умумий аҳоли сонидан салмоғини ифодалайди.
5. Меҳнат ресурсларини бандлилиги K^t – банд аҳолини умумий меҳнат ресурсларидағи салмоғини ифодалайди.
6. Умумий юклама коэффициенти – ҳар 1000 та меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларга тўғри келган меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги кишилар сонини ифодалайди.
7. Меҳнат ресурслари ўрнини қоплаш коэффициенти – ҳар 1000 меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилари тўғри келган 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар сони.
8. Нафақа юкламаси коэффициенти – ҳар 1000 меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларга тўғри келган нафақаҳўрлар сони.
9. Ишсизлик даражаси – ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати бўлиб, у фоизларда ифодаланади.
10. Аҳолини иқтисодий фаоллик даражаси – иқтисодий фаол аҳолини умумий аҳоли сонидаги салмоғини ифодалайди.

2.2. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат худудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар статистика олдига янги-янги талабларни қўймоқда. Статистика олдига меҳнат бозорини ўрганиш вазифаси қўйилмоқда, шу жумладан, бандлилик ва ишсизлик даражаси, озод бўлган ишчи кучини касбий тайёрлаш ва унинг харажатлари қиймати, аҳолининг мажбурий миграцияси каби масалаларни ўрганиш ўзбек статистика услубиятини халқаро андозалар даражасига етказишни тақазо этади. Буларни ўрганиш учун ахборотларнинг қуидаги янги манбаларидан фойдаланилади:

- бандлилик хизмати идораларининг статистик ҳисботи, бунда фуқароларнинг иш қидириб қилган мурожаатлари, вақтинча бўш ўринлари ва ишсизликлар ўз аксини топади;
- аҳолининг бандлиги даражасини ўрганиш мақсадида хар кварталда ўтказилган (охирги хафтада) танлама кузатиш маълумотлари;

- миграция хизматлари органларининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ишлаётган хориж фуқаролари ҳақидаги маълумотлари.

2.3. Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг охирига 16,2 минг киши ишсиз мақомига эга бўлган.

Иқтисодий нофаол аҳолига 15 ёшдан 72 ёшгacha бўлган аҳолининг қўйидаги категориялари киритилади:

- кундузги бўлим ўқувчилари, талабалари, магистрлари, аспирантлари, тингловчи ва курсантлари;
- нафақаҳўр ва ногиронлар;
- уй хўжалигига банд бўлганлар;
- иш қидиришни тугатганлар;
- ишлаши шарт бўлмаганлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида юз бераётган жараёнларни таҳлил қилишнинг муҳим қуроли бўлиб, ўртача йиллик миқдорларда 1.01 ва 1.07 га нисбатан тузиладиган меҳнат ресурсларибаланси ҳисобланади. У меҳнат ресурсларининг сони ва таркиби, уларнинг миллий иқтисод тармоқлари ва мулк формалари бўйича тақсимоти, ишсизлар ва иқтисодий нофаол аҳоли ҳақидаги кўрсаткичлар тизими бўлиб, у факат меҳнат статистикаси маълумотлари асосида эмас, балки статистиканинг бошқа тармоқлари кўрсаткичларини ўз ичига олади. У жамиятнинг ижтимоий тузилишини, меҳнат бозоридаги талаб ва тақдимни ўрганиш учун муҳим қурол бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз худудларида демографик ривожланишнинг асосий тенденцияси туғилишнинг камайишида ҳамда миграциянинг салбий қолдиғи кўринишида намоён бўлмоқда. Бу эса аҳолининг ёш гуруҳлари таркибига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, аҳоли ёш гуруҳлари таркибига меҳнатга лаёқат ёшидан кичиклар улуши 1991 йилдаги 43,1 %дан 2010 йилга келиб 32,4%га, меҳнатга лаёқат ёшидан катталар улуши эса 7,8%дан 7,3%га камайган, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиштирма салмоғи эса 49,1%дан 60,3 %гача кўпайган.

Меҳнат ресурслари – ёши ва соғлиги бўйича меҳнатга лаёқатли ва амалда иқтисодиётда банд ёки банд бўлмаган кишилар бўлиб, умумий доимий яшовчи аҳолининг бир қисмини ташкил этади.

Ишчи кучи ҳаракатини вақт бўйича, корхоналар бўйича интенсивлигини ўрганиш мақсадида қўйидаги нисбий кўрсаткичлар аниқланади:

$$\text{Қабул қилиш } K^t = \frac{\text{Ишга қабул қилинганлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$$\text{Ишдан бўшашиб } K^t = \frac{\text{Ишдан бўшаганлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$$\text{Ходимлар сонини тўлдириш } K^t = \frac{\text{Кабул қилинганлар сони}}{\text{Ишдан бўшаганлар сони}} \times 100\%$$

$$\text{Ходимлар доимиийлик } K^t = \frac{\text{Үрганилаётган даврда рўйхатда турган ходимлар сони}}{T_{\text{рўйхатдаги}}} \times 100\%$$

$T_{\text{рўйхатдаги}}$ – корхонанинг ўртача рўйхатдаги ходимлари сони.

Ишга қабул қилиш ва ундан бўшашиб натижасида ишчи кучи сонининг ўзгариши ишчи кучи ҳаракати деб аталади. Уни ифодалаш учун қуйидаги абсолют кўрсаткичлар аниқланади:

- қабул қилиш обороти (ишга қабул қилинганлиги хақида буйруқ чиқарилган);
- ишдан бўшашиб обороти (ишдан бўшамаганлиги хақида буйруқ чиқарилган);
- ишчи кучи умумий обороти (қабул қилинган ва бўшаганлар умумий сони).

Иш кучи сони ва унинг таркиби бу соҳадаги масаланинг микдор томони ҳисобланади, иш вақти ва ундан фойдаланиш даражаси эса унинг сифат тарафини белгилайди. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш учун иш вақти фонdlарини таркибини ўрганишни, иш куни ва иш даври узунлигини, ишлаган иш вақти хажмига хар ҳил омиллар таъсирини ўрганишни тақозо этади. Иш вақти статистикаси – меҳнат статистикасининг бир бўлими ҳисобланади.

Иш вақтини йўқотишни ўрганиш меҳнат муаммолари билан шуғулланувчи давлат органлари, ижтимоий таъминот бўлимлари, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарининг доимий эътиборида туради.

Иш вақти сарфланган меҳнат меёрини ифодалайди ва у амалиётда икки кўрсаткич ёрдамида ўлчанади: 1) ишлаган киши – куни ходимнинг корхона рўйхатида турган ва ишга келган кунларини билдириб, унга иш вақти давомида хақиқий ишланган ва ишланмаган соатлар кираверади. Ишланган киши-кунларига шу корхонада ўз ходимлари томонидан амалда ишланган киши кунлари, бу корхона йўлланмаси билан бошқа корхонада ишланган киши-кунлари, шунингдек хизмат сафарида бўлган ходимларнинг ишлаган кунлари киритилади.

Амалиётда қуйидаги иш вақти фонdlарини бир-биридан ажратиш лозим:

1. Календар иш вақти фонди – корхона барча ходимларига тўғри келган календар кунлар сонини ифодалайди ва у қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

- ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини шу даврдаги календар кунлар сонига кўпайтирилади; ёки

- ишгакелганвакелмаганкиши-кунларсони қўшилади.

2. Табель вақт фонди – ни аниқлаш учун календар вақт фондидан байрам ва дам олиш кунлари айрилади;

3. Энг кўп имкониятли иш вақт фонди – ни аниқлаш учун табель иш вақти фондидан навбатдаги меҳнат татили кунлари айрилади. Бу фонд “Меҳнат хақида”ги қонунга асосан фойдаланиш мумкин бўлган энг катта иш вақти салоҳиятини билдиради.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол ахолига дегандা нималарни тушунасиз?

2. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида юз берадиган жараёнларни таҳлил қилиб беринг.

3. Жамиятнинг ижтимоий тузилишини, меҳнат бозоридаги талаоб ва тақдимни статистик ўрганиш нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2014. – 324 bet.

2. Soatov N.M. Tillaxo’jaeva G.N. Statistika nazariyasi. Darslik. – T.: TDIU, 2005. – 248 bet.

3. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.

3-мавзу. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари

Режа

3.1. Миллий ҳисоблар тизими ҳақида тушунча. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари.

3.2. Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг услубияти.

3.3. Даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

3.4. Бирламчи даромадлар тушунчаси, даромадларни тақсимлаш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос услубияти.

Таянч иборалар:: ишлаб чиқариш ҳисобламаси, даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламаси, бирламчи даромадлар, даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад, қайта тақсимлаш, мавжуд миллий даромад, соф миллий даромад, охирги истеъмол,

3.1. Миллий ҳисоблар тизими ҳақида тушунча.

МХТ – жаҳоннинг барча мамлакатларида қўлланилаётган макродаражадаги бозор иқтисодиётининг ҳолати ва унинг ривожланишини ўрганишда

фойдаланиладиган замонавий ахборотлар тизими бўлиб ҳисобланади. Бу тизимнинг кўрсаткчилари ва таснифлари ўзида бозор иқтисодиёти таркибини, унинг институтлари ва фаолият механизмини акс эттиради. МХТ давлатни бошқарувчи органлар томонидан бозор иқтисодиётини тартибга солиш мақсадида 1953 йилдан бошлаб, фақат ривожланган капиталистик мамлакатларда қўлланилган бўлса, хозирги кунда 150дан ортиқ мамлакатларда қўлланилмоқда.

Ҳисобламалар МХТнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Уларда институционал бирликлар ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар амалга оширган иқтисодий операциялар қайд этилади. Қайд этилган операциялар шу мамлакат резидентлари ёки хориж мамлакатлар резидентлари орасида амалга оширилган бўлиши мумкин.

Ҳисобламалардаги айрим қайд этишлар – иқтисодий жараёнлар ҳар хил томонларини акс эттирувчи ҳар хил аналитик жамловчи кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг кўпчилиги, масалан, қўшилган қиймат, жамғариш, бирламчи даромадлар баланс усули билан ёки ресурс қисми суммаси билан, улардан фойдаланиш қисми орасидаги фарқ сифатида ёзилади. Юқорида қайд этилганидек, бутун иқтисодиётта тааллуқли бўган кўрсаткичлар: масалан, ЯИМ, миллий даромад, миллий бойлик каби кўрсаткичлар агрегат кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

3.2.Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг услубияти.

Иқтисодиёт секторлари учун ҳисобламалар ўз навбатида қуйидаги гурӯхларга ажратилади:

- жорий ҳисобламалар;
 - жамғариш ҳисобламалар;
 - активлар ва пассивлар баланслари;
- Жорий ҳисобламалар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- ишлаб чиқариш ҳисобламаси;
 - даромадларни ҳосил бўиши;
 - даромадларни бирламчи тақсимлаш;
 - даромадларни пул формада қайта тақсимлаш;
 - ихтиёрдаги даромадлардан пул формада фойдаланиш;
 - даромадларни натурал формада қайта тақсимлаш;
- тузатиш киритилган ихтиёрдаги даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари.

Жамғариш ҳисобламалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- капитал билан операциялар ҳисобламалари;
 - молиявий ҳисоблама;
 - актив ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламалари;
- а) актив ва пассивлардаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламалари;
- б) актив ва пассивларни қайта баҳолаш ҳисобламалари.

Актив ва пассивлар баланслари ўз ичига қуидагиларни олади:

- давр бошидаги актив ва пассивлар баланси;
- давр охиридаги актив ва пассивлар баланси.

Даромадларни ҳосил бўлиши ҳисобламаси ЯҚҚни қандай элементларга ажралишини кўрсатади. ЯҚҚнинг асосий элементлари ҳисобламасининг чап қисмида келтирилади.

II. Даромадларни ҳосил бўлиши

Фойдаланиш	Ресурслар
2. Иш ҳаққи 3. Ишлаб чиқаришга бошқа солиқар 4. Асосий капитал истемоли 5. Фойда (аралаш даромад) 1-2-3-4	1. Ялпи қўшилган қиймат
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Иш ҳаққи икки компонентдан ташкил топади: иш ҳаққи ва ижтимоий сугурта ажратмалари. Иш ҳаққи ЯҚҚни яратишда қатнашган резидентлар ва норезидентларга тўланган иш ҳаққини билдиради (масалан, мамлакатда вақтинча турган хориж мамлакатлар ишчиларига тўловлар).

Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар – ишлаб чиқаришнинг айрим омилларига солиқлар: ер, иморат, транспорт воситалари, иш ҳаққи фондига. Бу модда соф асосда қайд этилади, ёки ишлаб чиқаришга бўлган бошқа субсидияларни ҳам айрилади.

Асосий капитал истеъмоли – асосий фондларнинг тиклашдаги баҳоси бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.

3.3.Бирламчи даромадлар тушунчаси, даромадларни тақсимлаш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос услубияти.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш.

Фойдаланиш	Ресурслар
5. Мулқдан олинган даромадлар (тўланган) 6. Бирламчи даромадлар қолдиғи (1+2+3+4-5)	1. Фойда (аралаш даромад) 2. Мулқдан олинган даромад 3. Ишлаб чиқариш ва импорт солиқлари 4. Иш ҳаққи
Жами фойдаланилган	Жами ресурслар

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси ишлаб чиқарувчи секторларда олинган бирламчи даромадларни келиб тушиши ва уларни қабул қилувчи секторларга ўтказилиш жараёнини кўрсатишдан иборат. Унинг ўнг томонида олинган бирламчи даромадлар чап томонида эса – мулқдан олинган

даромадларнинг тўланиши ва баланслаштирувчи млдда – бирламчи даромадлар қолдиғи келтирилади.

Фойда (аралаш даромад) – корпорацияларнинг бирламчи даромадлари (молиявий ва номолиявий), шунингдек, майда нокооператив корхоналар даромадлари.

Мулкдан олинган даромадлар – иқтисодиётнинг барча секторларида олинган бирламчи даромадлар: фоизлар, девидентлар, рента, бевосита хориж инвестицияларидан олинган даромадлар. Лекин яшаладиган ва яшалмайдиган бинолар учун ижара хаққи мулкдан олинган даромад эмас, балки хизматлар учун тўловлар сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиқлари – давлат бошқарув органларининг бирламчи даромадлари. Айтиш лозимки, даромадлар ва мулкдан олинган даромадлар бирламчи даромадлар сифатида қаралмайди ва қайта тақсимлаш тўловлари сифатида қаралади.

ЯИМни охирги фойдаланиш усулида аниқлаш учун охирги фойдаланиш моддалари қўшилиб импорт айрилади ёки фойдаланиш суммасидан, ялпи жамғариш ва экспортдан импорт айрилади.

ЯИМни ишлаб чиқариш усулида аниқлаш учун ялпи ишлаб чиқаришдан оралиқ истеъмол айрилади плюс маҳсулотларга соф солиқлар. Ҳисоблама схемасида ишлаб чиқариш асосий баҳоларда баҳоланади.

Лекин агар ишлаб чиқариш ишлаб чиқарувчи баҳосида баҳоланган бўлса, З-модда «ҚҚС ва импортга солиқлардан, импортга субсидиялар айрилади» деб аталади.

Ялпи миллий даромад кўрсаткичи макроиктисодий статистиканинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг хажмини икки хил усулда ҳисоблаш мумкин: ялпи ва соф усувларда ёки асосий капитал истеъмоли билан қўшиб, ёки уни айриб ташлаган ҳолда. Миллий даромад шу мамлакат резидентлари томонидан у ёки бу даврда олинган бозор баҳосида ҳисобланган бирламчи даромадлар йиғиндиси сифатида юзага келади.

Ялпи миллий даромад (ЯМД) бу барча резидентларнинг бирламчи даромадлари ва жамғарманинг йиғиндисидир. У ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг барча даромадлари кўринишида бўлади. ЯМД миқдоран ЯИМга яқин туради. Аммо «даромад» сўзи бу кўрсаткичнинг ишлаб чиқариш босқичида қўшилган қиймат кўринишида эмас, балки айнан тақсимот босқичида шаклланишини ифодалайди.

У ҳолда,

1) Ялпи миллий даромад:

$ЯМД=ЯИМ+БД_{олинган}-БД_{берилган}$

2) Ялпи миллий мавжуд даромад:

$ЯММД=ЯМД+ЖТК$

Миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёни бир неча йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

1. Давлат бюджетининг даромадини ташкил этиш билан – бу миллий даромадни қайта тақсимлашнинг муҳим ва асосий йўлидир.

Бу даромад асосан хўжалик тушумларидан ташкил топади (қўшимча қиймат солиғи, мулқ, ер солиғи, фермер ва дехқон хўжаликлари даромад солиқлари).

Бюджетнинг қолган қисми аҳоли даромадларидан олинади (соликлар, давлат заёмлари, омонат касса жамғармаларининг ортиши ва ҳ.к.)

Давлат бюджетида тўпланган маблағларнинг таҳминан 40-45% капитал маблағлар сарфлаш, таҳминан 40%га яқини ижтимоий-маданий ишлар, 10%дан ортиқроғи мудофаа учун ва қолган 1-1,5% давлатни бошқариш учун сарфланади.

2. Аҳолига хизмат кўрсатиш йўли билан миллий даромад қайта тақисмланади.

Аҳоли бир қанча бепул хизматлар билан бирга, тўловли хизматлардан ҳам фойдаланади. Йўловчи транспорти, алоқа, майший хизматлар, даволаниш ва таълим муассасалари хизматларидан аҳоли фойдаланиши бунга мисол бўла олади.

1. Соф ички маҳсулот:

СИМ=ЯИМ-АКИ

Ялпи миллий даромад:

ЯМД=ЯИМ+БД_{олинган}-БД_{берилган}

3. Соф миллий даромад:

СМД=ЯМД-АКИ

4. Ялпи миллий мавжуд даромад:

ЯММД=ЯМД+ЖТҚ

5. Соф миллий мавжуд даромад:

СММД=ЯММД-АКИ

6. Ялпи миллий жамғариш:

ЯМЖ=ЯММД-ЯИ

7. Соф миллий жамғариш:

СМЖ=ЯМЖ-АКИ

8. Соф кредитлар (+) ёки соф қарзлар (-):

СК=ЯМЖ+КТ±ЯЖ

Миллий даромаддан охирги фойдаланиш дейилганда фақатгина истеъмол қилиш эмас, моддий неъматларни жамғариш ҳам тушинилади. Мамлакатимиз кўп авлодлар меҳнати туфайли жамғарилган жуда катта хажмдаги моддий неъматларга эга ва улар миллий бойлигимизнинг бир қисмини ташкил этиб, уни янада кўпайтириш учун ишлатилади. Натижада яна янги бинолар, иншоотлар, машина-ускуналар, хом-ашё, материаллар, ёқилғи, яшаш уйлари, мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар сони ортади.

Якуний истеъмол уй хўжаликлари, давлат муассасалари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Жамғариш иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқлари бўйича асосий капитални ялпи жамланиши, моддий айланма воситаларининг ўсиши ва номоддий активларга эгалик қилиш сифатида амалга оширилади.

Ўзбекистон даромадлари таркибида кейинги бир неча йиллар давомида юз берган ўзгаришлар, ёнланма меҳнатдан олинган даромад камайиб, тадбиркорликдан ва мулқдан олинган даромад ортганини кўрсатмоқда. Бу маълумотлар режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтилаётганини кўрсатади. Иккинчи томондан, улар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик даромадининг бирдан ортиб кетиш, маълум шароитларда истеъмолчи талабини пасайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида иқтисодиётни жонланишига тўсқинлик қиласи. Масалан, мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини мамлакат иқтисодиётини инвестициялаштиришдан бошқа мамлакатлар молиявий активларини сотиб олишга ёки бошқа мамлакатлар иқтисодиёти кредитлаштиришга сарфлайдилар.

Назорат саволлари

1. Миллий ҳисоблар тизими ҳақида нималарни биласиз?
2. Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг кўрсаткичлари моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор вазифалар нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Nabihev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.
2. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.
3. Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011. – 324 b.
4. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими.–Т.: Адабиёт жамғар-маси нашриёти, 2004, – 104 бет.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот мақсади тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Иқтисодий ривожланиш даражасини ва динамикасини характерлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган қўрсаткичлар тизими

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг моҳияти, инновацион иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳлкама этилади:

- 1.Иқтисодий ривожланиш даражасини статистик ўрганиш.
- 2.Иқтисодий ривожланиш динамикасини статистик таҳлили.
- 3.Иқтисодий фаолият турлари мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш.

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Иқтисодий ривожланиш. Иқтисодий ривожланиш динамикаси.

Иқтисодий фаолият турлари. Мулк шакллари.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.;
- 2.Soatov N.M. Tillaxo'jaeva G.N. Statistika nazariyasi. Darslik. – Т.: TDIU, 2005. – 248 bet.
- 3.Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.
- 4.Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011. – 324 b.
- 5.Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими.–Т.: Адабиёт жамғар-маси нашриёти, 2004, – 104 бет.

6.Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 212 b.

7.Н.М.Харченко, Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.

8.Статистика финансов. Учебник. / Под ред. М.Г. Назарова. – М.: Омега-Л, 2010. – 516 стр.

Интернет сайтлари

1.www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

2.www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Матбуот хизмати расмий сайти.

3.www.ziyonet.uz

4.www.edu.uz

5. www.tdiu.uz

6.www.lex.uz

7.www.stat.uz

8.www.mf.uz

9.www.soliq.uz

10.www.infocom.uz - Infocom.uz электрон журнали.

11.http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/

12.http://learnenglishteen.britishcouncil.org/

2-амалий машғулот. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш шакли ва мамлакат худудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

Дарс шакли: Дебат усули. Ишнинг мақсади интеллектуал мулк ва капиталнинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш, илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялашдаги тўсиқлар борасида дебат уюстирилади.

Қўйидаги масалалар ўртага ташланади:

✓ Иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси. Унинг сони ва таркиби.
✓ Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолият соҳаси, мулк формаси, хўжалик юритиш формаси ва мамлакат худудлари бўйича тақсимланишини статистик ўрганиш.

✓ Корхона ва ташкилотларнинг ходимларини асосий ва асосий бўлмаган фаолиятлари бўйича тақсимланиши.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Nabiiev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.;

2.Soatov N.M. Tillaxo'jaeva G.N. Statistika nazariyasi. Darslik. – Т.: TDIU, 2005. – 248 bet.

3.Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.

4.Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011. – 324 b.

5.Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими.–Т.: Адабиёт жамғар-маси нашриёти, 2004, – 104 бет.

6.Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 212 b.

7.Н.М.Харченко, Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.

8.Статистика финансов. Учебник. / Под ред. М.Г. Назарова. – М.: Омега-Л, 2010. – 516 стр.

Интернет сайтлари

1.www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

2.www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Матбуот хизмати расмий сайти.

3.www.ziyonet.uz

4.www.edu.uz

5. www.tdiu.uz

6.www.lex.uz

7.www.stat.uz

8.www.mf.uz

9.www.soliq.uz

10.www.infocom.uz - Infocom.uz электрон журнали.

11.<http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

12.<http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

З-амалий машғулот. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари

Дарс шакли: Кейс - стади.

Кейс-стади – Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таснифи ва уларни тузиш тамойиллари Муҳокама қилинадиган масалалар:

Муҳокама қилинадиган масалалар:

1.Миллий ҳисоблар тизими ҳақида тушунча..

2.Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг услубияти.

3.Даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

4.Бирламчи даромадлар тушунчаси, даромадларни тақсимлаш ҳисобламасининг кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос услубияти.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Nabihev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2014. – 324 bet.;

2.Soatov N.M. Tillaxo'jaeva G.N. Statistika nazariyasi. Darslik. – Т.: TDIU, 2005. – 248 bet.

3.Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.

4.Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011. – 324 б.

5.Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими.–Т.: Адабиёт жамғар-маси нашриёти, 2004, – 104 бет.

6.Nabixo'jaev A.A., Nasritdinova Sh.S., Sayfullaev S.N., Umarova M.A. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 212 б.

7.Н.М.Харченко, Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.

8.Статистика финансов. Учебник. / Под ред. М.Г. Назарова. – М.: Омега-Л, 2010. – 516 стр.

Интернет сайтлари

1.www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

2.www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Матбуот хизмати расмий сайти.

3.www.ziyonet.uz

4.www.edu.uz

5. www.tdiu.uz

6.www.lex.uz

7.www.stat.uz

8.www.mf.uz

9.www.soliq.uz

10.www.infocom.uz - Infocom.uz электрон журнали.

11.<http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

12.<http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. **Берилган кейснинг мақсади:** Асосий фондларнинг тақрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмасининг 2006 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Бирлашма фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражасини таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун талабалар **қуидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигида, турли мулк шаклларида хўжаликларда, минтақаларда асосий фондлар миқдорини, уларнинг таркиби ва холатини, уларнинг ҳаракатини аниқлаш, асосий фондлар билан таъминланиш даражасини баҳолаш, фойдаланишни иқтисодий самараדורлигини таҳлил этиш.

2. **Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;**

3. **Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қуидагилардан иборат: Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг 2015 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида, ушбу корхонанинг низоми, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

4. **Мазкур кейс дала тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

5. **Дидактик мақсадларга кўра** кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

Кейснинг афзалликларига қуидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиши бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил ва рақаси” мавжуд.

6. Ушбу кейс – “Мехнат статистикаси”, “Иқтисодий статистика”, “Саноат статистикаси”, фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

1. «Қоракўл» бирлашмасига иқтисодий тавсифнома

Ташкилотнинг манзили:

Бирлашма Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Шоҳи-зинда шахри, саноат зонасида жойлашган бўлиб, бирлашма 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:

«Қоракўл» бирлашмаси

Ташкилотнинг ташкил этилган йили:

Самарқанд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартағи 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг шакли:

«Қоракўл» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997йил 22 мартағи 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

Ташкилотнинг фаолият тури:

«Қоракўл» бирлашмаси қуидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- чорвачилик, паррандачилик, гўштини қайта ишлаш ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шахобчалари орқали сотиш;
- чорвачилик ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- савдо дўёноларини ташкил қилиш ва савдо-сотик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда майший хизмат шахобчалари очиш;
- иссиқхоналар барпо этиш ва уларда иссиқхона маҳсулотлари етиштириб, аҳолига сотиш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик фаолияти билан шуғулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва рақобатбардош маҳсулотларини кўпайтириб, жаҳон бозорига олиб чиқиши.

Хўжаликнинг меҳнат фаолияти гўшт ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва аҳолига майший хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, ушбу фермер хўжалиги ўзида бир нечта хусусий тадбиркорларни бирлаштириб, шу жумладан, чорвачилик ҳамда гўштдан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 20 турдан ортиқ бўлиб, колбаса, сосиска, сарделька, дудланган колбаса, тухум, парранда гўшти, мол гўшти ва бозорда бўлмаган, янги талабга жавоб берадиган маҳсулотларни ташкил қилиб, сифатли, хорижий маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу фермер хўжалиги дастлаб беш хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда 11 хилдаги колбаса, 4 хилда сосиска ва 2 хилдаги ветчина, макарон

маҳсулотлари ҳамда сарделька маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:

- ишлаб чиқариши янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шахобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат қўрсатиш;
- табиий озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотларини қўпайтириш ва даромад олиш.

2. «ҚОРАҚЎЛ» БИРЛАШМАСИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ


Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:

«ҚОРАҚЎЛ» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмаси хусусий бўлганлиги сабабли, «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмасининг 2000 йилда тасдиқланган ва Самарўанд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майидаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмаси низомининг V-17 бандида ёзилишича, «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмасига 18 (үн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмасининг раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайтириш мақсадида «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмаси яқин атрофдаги маҳалланинг 100 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 100 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб, «ҚОРАҚЎЛ» бирлашмаси иқтисодиётини қўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Чизма №1

Ташкилотнинг бошқарув шакли:

«КОРАКҮЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув



1-расм. «КОРАКҮЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмасининг умумий қўриниши

Ташкилотнинг чет эл билан ҳамкорлиги:

«КОРАКҮЛ» бирлашмасининг чет эл мамлакатлари билан алоқаларини 2000 йиллардан бошлаб йўлга қўйган. Чет эллик фермер хўжаликлари билан ўз фаолиятини юргизиш ва маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун «КОРАКҮЛ» бирлашмасининг раҳбарияти чет эллик мутахassislarни

Ўзбекистонга таклиф қилиб, «ҚОРАҚҮЛ» бирлашмасининг ишчилари ва ходимларини ўқитди, ҳамда уларнинг малакасини ошириди.

3. «Қоракўл» бирлашмасининг асосий фондлари ҳақида маълумот.

3.1 Тадқиқотлар тизимида асосий фондларнинг ҳолати ва харакатини ифодаловчи кўрсаткичларини ўрганиш.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фондаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунунингдек асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Статистика амалиётида асосий фондларни пулга чақиб баҳолашнинг турли усувлари бор:

-Асосий фондларни бошлангич (дастлабки) тўлиқ қиймати. Бунга фонднинг дастлабки сотииши (ишилаб чиқариши) баҳоси, уни келтириб кўриши ва ўрнатиши ҳаражатлари қиради;

-Тўлиқ тикланган қиймат. Бу шу вақтнинг ўзида ҳозирги баҳоларда фонднинг тақрор ишилаб чиқилган қийматидир. Бу қиймат асосий фондларни қайтадан баҳолаши жараёнида аниқланади;

-Бошлангич тўлиқ қийматидан эскирган, ейилган қийматни чиқариб ташлагандан қолган қиймат. Бу асосий фондларнинг тўлиқ қиймати билан уларнинг эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

-Тикланган баҳодан эскирган, ейилган қисм қийматини чиқариб ташлагандан сўнг қиймати. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

Бу усувларда ҳисобланган ҳар бир кўрсаткич мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг буҳгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошлангич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади. Асосий фондларни таққослашни таъминлаш учун уларни инвентаризацияси ўтказилиб аниқ вақтдаги қийматига кўра қайтадан баҳоланади. Асосий фондларни қайта баҳолаш собиқ иттифоқ даврида охириги марта 1972 йилда давлатимиз мусттақиллигидан сўнг 1993 ва 1994 йилларда ўтказилган.

Ишлиб чиқариш жараёнида қатнашавериб асосий фондлар эскиради, емирилади шу билан бирга улар маънавий жиҳатидан ҳам эскиради. Эскириш қийматини қоплаш ва янгилаш мақсадида асосий фондларнинг амортизация фонди ташкил этилади. Ҳар йили олдиндан белгиланган меъёр бўйича асосий фондлар қийматидан амортизация ажратишлари ҳисобланиб, фондларга ўтказилади. Амортизация ажратмалар меъёрлар хукумат қарорлари билан

белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексининг 23 моддасига мувофиқ 1998 йил 1 январдан асосий фонdlарнинг гурухларига қараб қуйидаги амортизация нормалари 5%, 8%, 10 %, 15%, 20 % белгиланган.

Асосий фонdlарни такрор ишлаб чиқаришни таснифлаш учун уларни ҳисбот даврдаги (асосий бир йиллик) ҳаракатини таснифловчи баланслардан кенг фойдаланилади. Баланс жадвал шаклида тузилиб йўллари буйича асосий фонdlарни турлари, устунлар бўйича уларни ғзаришлари йил бошидаги ҳолати, йил давомида келиб тушган, йил давомида чиқарилган , йил охириги ҳолати кўрсатиласди.

Асосий фонdlарнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуйидаги ҳисбот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

1. Хўжаликнинг йиллик ҳисботи таркибидаги 3-шакл бўйича тузилган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот» маълумотлари;
2. 11-шаклда тузилган давлат статистика ҳисботи таркибидаги «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» тўғрисидаги 1-бўлим маълумотлари.

Асосий фонdlарнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидаги коэффициентлар орқали ифодаланади ва ўрганилади:

1. Асосий фонdlарнинг ўсиш коэффициенти;
2. Асосий фонdlарнинг қўшимча ўсиш коэффициенти;
3. Асосий фонdlарнинг эскириш коэффициенти;
4. Асосий фонdlарнинг яроқлилик коэффициенти;
5. Асосий фонdlарнинг сафини тўлдириш коэффициенти;
6. Асосий фонdlарнинг янгиланиш коэффициенти;

3.2. Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги «Қоракўл» бирлашмасининг 2015 йилги кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий фонdlарнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг 2015 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2015 йил кўрсаткичлари

Кўрсаткич- ларнинг Номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Колдик қий- мати, млн.сўм	
	Йил бошиг а қолди к	кирим	Чи- қим	Йил охириг а қолдик	Йил бошиг а	Йил охири -га	Йил бошиг а	Йил охири -га
1.Бино,иншоо т, узатиш мосла-маси	707,4	229,6	23,3	913,7	229,0	265,0	478,4	648,7

2.Машина ва жиҳозлар	275,0	49,8	32,3	292,5	119,8	112,0	155,2	180,5
3.Транспорт воситалари	74,4	51,3	2,5	123,2	27,4	29,2	47,0	94,0
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1373,7	1027,5	453,9	1947,3	-	-	1373,7	1947,3
5.Бошқа асосий фондлар	64,6	1,4	2,8	63,4	20,2	19,3	44,4	44,1
Жами	2495,1	1359,6	514,8	3340,1	396,4	425,5	2098,7	2914,6

4. Тингловчиларга бериладиган мулохаза учун саволлар

1. Моддий-техник база деганда нимани тушунасиз?
2. Ишлаб чиқариш фондлари түғрисида тушунча.
3. Асосий фондлар деб нимага айтилади?
4. Айланма фондларнинг таърифи.
5. Асосий фондларнинг гурухлари ва уларнинг таърифи.
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг таърифи.
7. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
8. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ва яроқлилиги кўрсаткичларини аниқлаш ва таърифлаш.
9. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари.
10. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини айтинг ва мазмунини таърифланг.

5. Тингловчилар учун услубий қўлланмалар

Муаммо:

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Вазифалар:

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффициенти;
6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини қисоблаш

Ечии алгоритми:

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) *Асосий фондларнинг ўсиши коэффициентини* аниқлаш учун уларнинг йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига бўлиш керак, яъни қўйидагича аниқланади:

$$\text{Асосий фондларнинг ўсиши коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги киймати}}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги киймати}} \cdot 100$$

Ушбу коэффициент асосий фондларнинг ўсиш даражасини ифодалайди, яъни уларнинг йил охиридаги ҳажми йил бошига нисбатан неча фоизни ташкил қилганлигини билдиради.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиши коэффициенти икки хил усул орқали аниқланади.

Биринчи усул. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Кўшимча ўсиши коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиши} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич киймати}}$$

Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини аниқлаш учун йил охиридаги бошланғич қийматидан йил бошидаги бошланғич қийматини чегириб ташлаш керак.

Иккинчи усул. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентидан 100 фоизни чегириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{Кўшимча ўсиши коэффициенти} = \text{Асосий фондларнинг ўсиши коэффициенти} - 100\%$$

Қўшимча ўсиш коэффициенти асосий фондлар ҳажми йил (давр) охирида йил (давр) бошига нисбатан неча фоизга ошганлигини (ёки камайганлигини) кўрсатади.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш кўрсаткичи миллий бойликнинг унинг асосий қисми ҳисобига жамғарилишини ифодалайди, яъни миллий бойликни асосий фондлар ҳисобига жамғарилаётган ҳажмининг ошаётганини ифодалайди. Шу билан бир қаторда моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётганлигини ифодалайди.

Асосий фондларнинг эскириши коэффициенти ҳам давр (йил) бошига, ҳам давр (йил) охирига аниқланади. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун эскириш суммасини 100 фоизга кўпайтириб асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлинади:

$$\text{Эскириши коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг эскириши суммаси} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич киймати}}$$

Áу коэффициент асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо беришда қўлланилади. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, асосий фондлар ҳолати шунча ёмонлашган бўлади.

Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти икки хил усул орқали аниқланади:

Биринчи усул. Асосий фондларнинг қолдиқ қийматини 100 фоизга кўпайтириб, асосий фондларнинг бошлангич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Яроқлилик коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг колдик киймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошлангич киймати}}$$

Иккинчи усул. 100 фоиздан эскириши коэффициентини айриш орқали аниқланади.

$$K_{\text{я}} = 100 \% - K_{\text{з}}$$

Асосий фондлар сафини тўлдириши коэффициентини аниқлаш учун йил даврида ишга туширилган, сотиб олинган ва бошқа йўллар билан киримга олинган фондлар қийматларининг йифиндисини йил охиридаги асосий фондлар қийматига бўлиш керак. Ушбу коэффициентни фондларнинг йил бошидаги қийматига нисбатан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асосий фондларнинг янгиланиши коэффициентини аниқлаш учун йил давомида ишга туширилган ва сотиб олинган янги асосий фондларнинг қийматини уларнинг йил охиридаги умумий қийматига бўлиш керак:

$$\text{Янгиланиши коэффициенти} = \frac{\text{йил давомида ишга туширилган янги асосий фондлар киймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги умумий киймати}}$$

Бу коэффициент жами асосий фондлар ва шу жумладан уларнинг актив қисми бўйича ҳам ҳисобланади. Бу коэффициент йил охиридаги жами асосий фондлар ҳажмига нисбатан янги асосий фондлар қийматининг эгаллаган ҳиссасини билдиради. Бу кўрсаткич маълум даражада иқтисодиётдаги техника тараққиётини ҳам ифодалайди. Бу коэффициентни йил бошидаги қийматига нисбатан ҳисоблашни тавсия қиласиз.

Асосий фондларни ҳисобдан чиқарии коэффициентини ҳисоблаш учун йил давомида ҳар хил йўллар билан ҳисобдан чиқарилган асосий фондлар қийматларининг жамиини асосий фондларнинг йил бошидаги жами қийматига бўлиш керак:

$$\text{Ҳисобдан чиқарии коэффициенти} = \frac{\text{Ҳисобдан чиқарилган жами асосий фондлар киймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги жами киймати}}$$

Асосий фондларнинг эскириши түфайли ҳисобдан чиқариш коэффициентини аниқлаш учун эскириши, ейилиши, қариганлиги натижасида ҳисобдан чиқарилган асосий фондларнинг қийматини жами асосий фондларнинг йил бошидаги қийматига бўлиш керак.

Ҳолатий таҳлилнинг варақаси

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Ҳолатий таҳлил	<p>1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар.</p> <p>2. Ҳолатнинг энг муҳим ҳусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай?</p>		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	<p>Муаммода акс эттирувчи асосий ҳусусиятлар:</p> <p>1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти;</p> <p>2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти;</p> <p>3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти;</p> <p>4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти;</p> <p>5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффициентини;</p> <p>6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини қисоблаш.</p>		A) – 0.5 балл B) – 0.5 балл B) – 1 балл
3. Ҳолатнинг иштирокчилар ини аниқлаш	«Қоракўл» бирлашмасининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Бозор конъюнктураси ҳолатнинг ўрганиш	Асосий фондларнинг ҳолатини аниқлаш ва уларнинг афзаллик ёки талабга жавоб бериш ҳолатини ўрганиб чиқиш.		2 балл
5.	A) Рақобатчи корхоналарнинг		A) 1.0 балл

Корхоналарни таққослаш ёки уларнинг бозор-даги ўрнини эгаллаши	бозордаги мавқеини аниқлаш; Б) Таққослаш натижалари аниқланади		Б) 1.5 балл
6. Корхонанинг SWOT таҳлили ёки мавжуд бўлган усулларда ечиш	1) Рақобатбардош корхоналар корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш. 2) Ушбу таҳли асосида корхонанинг имкониятларини аниқлаш.		1) 1.5 балл 2) 2 балл
7. Муқобил варианtlарини билиш ва энг альтернатив ҳолатини танлаш	Холатий масаланинг альтернатив ечимларни билдириш: бўлиши мумкин бўлган йўналишларни билдириш. Ҳар бир альтернативларни баҳолаш. Салбий ва ижобий томонларини қўрсатиш. Энг зўр альтернативани танлаш.		1.5 балл
8. Ечимни ишлаб чиқиши	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиши, товарлар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиши.		2 балл

6. Ўқув - услугий материаллар

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишининг муҳим омилларидан бўлиб, асосий ва айланма фонdlар билан таъминланиши ҳисобланади.

Асосий ва айланма фонdlар вужудга келиши бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва бошқа тармоқлар иқтисодининг маҳсулотига бўлинади.

Корхона маҳсулоти ҳисобидан юзага келган асосий фонdlар хўжаликда фойдаланиш ёшига ётган мевали дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор моллардан ташкил топади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобидан юзага келган айланма фонdlар ўз ичига ўсимликчилик ва чорвачиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиладиган тайёр маҳсулотнинг айрми қисмини (урӯғ, озуқа ва б.к) олади.

Корхона маҳсулотига тегишли бўлмаган, яъни бошқа тармоқ иқтисодига тегишли бўлган қишлоқ хўжалик асосий фонdlарига иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, машина ва жиҳозлар ва бошқалар киради, айланма фонdlарига ўғит, захарлихимикатлар ва бошқа саноат маҳсулотлари киради.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига қараб моддий-техник база меҳнат воситалари ва меҳнат предметларига бўлинади.

Меҳнат воситалари моддий неъматлардан ташкил топган бўлиб, улар ёрдамида ишловчилар меҳнат предметларига таъсир ўтказади. Буларга меҳнат қуроллари ва меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматлар киради.

Меҳнат қуролларига машиналар ва жиҳозлар, инвентарлар, ишчи ва маҳсулдор моллар киради. Меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматларга иморат ва иншоотлар, алоқа воситалари ва бошқалар киради.

Меҳнат предметлари моддий неъматлар бўлиб, ишловчиларнинг меҳнатининг таъсири остида улардан янги моддий неъматлар яратилади. Буларга уруғ, озуқа, ёш ва бокувдаги моллар ва бошқа неъматларни киритиш мумкин.

Корхоналарнинг иш фаолиятида, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари узлуксиз равишда иштирок этади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этишига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади. Бошқача айтганда меҳнат воситалари *асосий фондлар* деб, меҳнат предметлари эса *айланма фондлар* деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида кўп йиллар даврида хизмат қилувчи, ўзларининг эскирган қисмини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига ўтказиб борувчи, ўз натура шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситалари асосий фондлар деб аталади. Буларга трактор, комбайн, транспорт воситалари, иморатлар, иншоотлар ва бошқа меҳнат воситаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир марта иштирок этувчи, ўз қийматини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига тўлиқ ўтказувчи, ўз натура шаклини йўқотувчи меҳнат предметлари айланма фондлар деб айтилади.

Буларга уруғлик, ем-хашак, ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари, кам баҳоли буюмлар каби меҳнат предметлари киради.

Корхоналарда асосий фондлар икки гурухга бўлинади:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиб, моддий неъмат яратувчи меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобланади.

Корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида икки катта гурухга бўлинади:

1. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

2. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида қуйидаги уч гурухга бўлинниб ўрганилади:

1. Ўсимликил соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Чорвачилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;
3. Умумхўжалик йўналишига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондларига қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги саноат, қурилиш, савдо ва овқатланиш тармоқларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, аммо ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун шарт-шароит яратиб берувчи меҳнат воситалари ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб ҳисобланади. Буларга қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги тиббиёт, маориф, маданий-окартув, спорт соҳаларида хизмат қилувчи асосий фондлар киради.

Ҳар бир гурӯҳ таркибидаги асосий воситалар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлинниб, ўрганилади. Шу жумладан асосий ишлаб чиқариш фондлари 11-шалқдаги давлат статистика ҳисоботининг «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» номли 1-бўлимда қўйидаги турларга бўлинниб, ҳисобга олинган:

1. Бинолар;
2. Иншоотлар;
3. Узатиш қурилмалари;
4. Машина ва асбоб-ускуналар;
5. Транпорт воситалари;
6. Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик ашёлари;
7. Иш ҳайвонлари;
8. Маҳсулдор моллар;
9. Кўп йиллик мевали дарахтлар;
10. Асосий воситаларнинг бошқа турлари.

Асосий ва айланма фондлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий омиллари бўлғанлиги учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан асосий фондлар статистикасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Корхонада турли мулк шаклларида хўжаликларда, минтақаларда асосий фондларнинг миқдори, таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;
2. Асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодловчи (такрор ишлаб чиқариш) кўрсаткичларини аниқлаш ва динамикасини ўрганиш;
3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражасини аниқлаш ва статистик таҳлил қилиш;
4. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари динамикасини статистик таҳлил қилиш;
5. Айланма фондларнинг таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;
6. Айланма фондлар билан таъминланиш даражасини ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш.

7. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) фойдаланиб, асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз. Асосий фондларнинг мутлок ўсиши йил охирида йил бошига нисбатан 845 млн. сўмни ташкил қилган: $3340,1 - 2495,1 = 845$ млн.сўм.

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти:

$$K_{a\phi_y} = \frac{3340,1}{2495,1} \cdot 100 = 133,9 \%$$

Демак, ўсиш коэффициенти 133,9% ни ташкил қилган.

2. Асосий фондларнинг қўшиимча ўсиш коэффициенти. Бу кўрсаткич икки хил усул билан аниқланади:

$$1) K_{a\phi_{ky}} = \frac{845}{2495,1} \cdot 100 = 33,9 \%$$

$$2) \text{ ёки } 133,9 - 100 = 33,9 \%$$

Демак, асосий фондлар ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 33,9 % га ошган.

3. Асосий фондларнинг эскириши коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{a\phi_3} = \frac{396,4}{2495,1} \cdot 100 = 15,9 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{a\phi_3} = \frac{425,5}{3340,1} \cdot 100 = 12,7 \%$$

Бирлашма бўйича асосий фондларнинг эскириш даражаси 3,2 фоизга камайган, демак фондлар ахволи яхшиланган, яроқлилик даражаси ошган.

4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{a\phi_y} = \frac{2098,7}{2495,1} \cdot 100 = 84,1 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 15,9 = 84,1 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{a\phi_y} = \frac{2914,6}{3340,1} \cdot 100 = 87,3 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 12,7 = 87,3 \%$$

Асосий фондларнинг яроқлилик даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 3,2 фоизга ошган.

5. Асосий фондлар сафини тўлдириши коэффициенти:

$$K_{a\phi_m} = \frac{1359,6}{3340,1} \cdot 100 = 40,7 \%$$

Демак, асосий фондлар сафи ҳар хил йўллар билан 40,7 фоизга кенгайтирилган.

6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқарии коэффициенти:

$$J_{\text{афху}} = \frac{514,8}{2495,1} \cdot 100 = 20,6 \%$$

Йил даврида ҳар хил йўллар билан хўжалик ҳисобидан чиқиб кетган фонdlар ҳажми 20,6 фоизни ташкил қиласди.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган гояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

• Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларни чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

• Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

• Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

• Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришdir.

“Иқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар тизими” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2) Мустақил таълим мавзулари.

1. Иқтисодий фаолиятнинг асосий категориялари.
2. Институтцион бирлик.
3. Корхоналарнинг қандай фаолият турлари.
4. Нотижорат муассаларининг қандай асосий турлари.
5. Институтционал бирликларнинг резидентлик статуси.
6. Мамлакатнинг резиденти ва норезиденти.
7. Ишлаб чиқариш бирлиги кўрсаткичлари.
8. Возор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни секторлама классификацияси.
9. Миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти нимада ва унинг қандай асосий хусусиятлари.
10. 1993 йилда қабул қилинган МХТ да хўжалик юритувчи субъектлар қандай институтционал секторларга ажратилган?
11. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият натижалари кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усувлари.
12. МХТ нинг муҳим макроиктисодий кўрсаткичлари орасидаги боғланишлар.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланирши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Арифметик ўртача	Arithmetic mean	шундай илмий қоидага асосланган ўртачага айтиладики, у билан белгининг айрим қийматларини алмаштирилса, уларнинг умумий йифиндиси ўзгараслиги ва тўплам бирликлари сонига нисбатан пропорсионал тақсимланиши зарур
Асосий фондлар	fixed assets	мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўtkаза борадиган активлар ҳисобланади
Аҳолини такрор пайдо бўлиши нетто коэффиценти	Re- formation of the net rates of population	бутун умри мобайнида бир аёл тукқан болаларининг онаси тукқан ёшигача яшаганларнинг ўртача сони.
Айланма маблағлар	Current assets	хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар.
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social Protection	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Аҳолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Бандлик	employment	мехнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.
Банкрот	bankrupt	хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик	stability	ходиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
Бевосита инвестиция	direct investment	капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.
Бизнес	Business	фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади
Билвосита инвестиция	indirect investment	воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.
Бозор конъюнктураси	market conditions	муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи саводдаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.
Бюджет дефицити	budget deficit	бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик
Глобал молиявий-иқтисодий бозор	Global financial market	жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.
Давлат бюджети	State budget	давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.
Давлат инвестицияси	State investments	давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.
Даромаднинг ички меъёри	Standards of internal revenue	инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди
Даромад солиги	income tax	фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).
Даромад солиги	Income tax rates	Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги

ставкалари		даражалари.
Диверсификация	the diversification	(лотинчадан <i>diversus</i> - ҳар хил ва <i>facere</i> -қилмоқ, бажармок) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Диверсификация стратегияси	diversification strategy	корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир.
Дивиденд	the dividend	акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.
Дисконтланга н қоплаш меъёри	To cover the discounted rate	инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга бўлган қисқа вақт интервали
Жаҳон банки	The World Bank	1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган
Институцион бирликлар	institutional units	активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш ҳукуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.
Истеъмол	consumption	ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни
Истеъмол баҳолари индекси	Consumer price index	истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Ласпейрес формуласи бўйича аниқланади.
Иш кучига сарфланган ҳаражатлар	Labor expenses	иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлик бўлган ҳаражатлар йиғиндиси
Ишсизлик даражаси	The unemployment	ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори

	nt rate	ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлишга тайёр турғанлар ишсизлар деб аталади
Иш ҳақи	Remuneratio n	жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.
Ишлаб чиқариш	production	маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати
Ишчи кучи бозори	Labor market	– иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.
Иқтисодий фаол аҳоли	The economically active population	ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.
Иқтисодиёт активлари	The assets of the economy	объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар якка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш хуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф кўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади
Иқтисодиётни нг реал сектори	The real sector of the economy	иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
Иқтисодий ночор корхоналар	Insolvent enterprises	муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган махсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самараисиз корхона
Йўриқнома	instructions	(инструкция) деб кузатиш дастурида кўзланган белгиларни бир хил талқин этишва тушунишни таъминлайди-ган кўрсатмалар

		мажмуасига айтилади.
Кузатиш объекті	monitoring facility	бу ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнлар, яни корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлар, кишилар, оилалар, уй хўжаликлари, ва ҳоказоларни уларнинг фаолияти жиҳатидан қаралган тўплами
Комбинацион жадвал	combination al table	эга қисмида обьектларни иккита ва ундан ортиқ белгилари асосида гурухлаш натижаларини акс эттирадиган жадвалdir
Мода	mode	тўпламда энг кўп учрайдиган белги қийматига аталади. Дискрет қаторларда у энг кўп соҳиблар (варианталар) сонига эга бўлган варианта қиймати билан белгиланади.
Медиана	median	тўпламни teng иккига бўлувчи белгининг қиймати тушунилади
Миллий бойлик	national wealth	кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йифиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йифиндиси миллий мулк деб аталади.
Миллий стандарт	national standard	муайян мамлакат миқёсида, ҳалқаро стандарт эса-бутун жаҳон ёки мамлакатлар бирлашмаси миқёсида ҳодисаларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни қайд қилишда қўлланадиган умумий талаб, тартиб ва контсептсиялар мажмуасидир.
Мутлақ кўрсаткичлар	Absolute index	ўрганилаётган ҳодисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлақ миқдорлар ҳодисалар ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди
Масштаб	scale	кўрсаткичларни текисликдаги тасвирий нисбатларга айлантирувчи шартли меъёрдир
Номинал иш ҳақи	Nominal wage	пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди
Оммавий ҳодиса	mass phenomena	бирор обьектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси.
Оммавий жараён	mass events	бу обьектлар тўпламида содир бўлган воқеалар оқими ва унинг характеристи,

		уларнинг ривожланиш даражалари, тўплама ҳодисалар кечишидаги (харакатидаги) ўзгаришлар
Резидент	resident	нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар).
Статистика	Statistics	оммавий ҳодиса ва жараёнларни аниқ вақт ва замонда сифат ҳамда миқдордан ажралмаган ҳолда ўрганади
Статистика услугияти	Statistical method	оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услугб, яъни статистика назарияси ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси
Статистик тадқиқот	Statistical investigation	иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва уларда ўзига хос усуллар қўлланади
Статистик кўрсаткичлар	Statistic indexes	statistical method маълум макон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади
Таснифлаш	Classification	ўрганилаётган ҳодисаларни тартиблаш мақсадида уларнинг муҳим белгиларига қараб гурӯхларга, туркумларга ва ҳоказоларга ажратишидир.
Таққослаш	Compare	турли кўрсаткичларни айирма ёки бўлиш ўюли билан ўзаро солиштиришидир
Фасет	bezel	ҳар бир тасниф бирликларини номма-ном ёзиб чиқиш рўйхати
Ценз	qualification	кузатиш обектини аниқловчи меъёр, белгилар тўпламидири

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 11 февралдаги (ПП-2298) “ўтган-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-2613-сонли Фармони. www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” маҳсус индустрисал зonasини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, ҳисобот йил, 19 март

8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: “Ўзбекистон”. 2012

10. Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. –Т.: “Ўзбекистон”. 2012

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” маҳсус индустрисал зonasини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2012 йил, 14 апрель

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 –

ҳисобот йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2011 йил 29 июль

13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Ўзбекистон”. 2010

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги Қарори. 2010 йил, 23 март

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 2 декабр

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 19 ноябр

17. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 4 декабр

II. Maxsus адабиётлар.

1. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA. ҳисобот year.
2. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
3. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
4. Nabiiev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 bet.
5. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo’jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 bet.
6. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, ҳисобот. – 448 стр.
7. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, ўтган. – 368 с.
8. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
9. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
10. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.

11. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. ҳисобот year.
12. Аюбжонов А.Х., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Статистика” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ўтган. – 180 бет.
13. Улитина Е.В. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, ўтган. – 312 стр
14. Статистика. Практикум. Учебное пособие. / Под ред. В.Н. Салина. – М.: КНОРУС, 2014. – 496 стр
15. Аюбжонов А.Х. “Статистика” фанидан ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 145 бет
16. Теория статистики. Учебник. Под ред. Р.А. Шмойловой. – М.: Финансы и статистика, ўтган. – 655 стр.
17. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. ҳисобот. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2017. - 130 стр.

Интернет сайtlари

18. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
19. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
20. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
21. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
22. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
23. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
24. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг сайти.